

Ушбу сонда:

2

ИСРОИЛ ПОЛВОН ИСРОИЛ БИЛАН ШАРТНОМА ТУЗМОҚЧИ

3

«ИШОНЧ»НИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИДА

4

Кексаларга давлат соябон КўНГИЛ ОВЛАМОҚ - КАТТА САВОБ




ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 21 июл, чоршанба №98 (745)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



20 июл куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримов Оқсаройда Афғонистон буйича «6+2» гуруҳи Тошкент учрашуви иштирокчиси - АКШ делегацияси раҳбари, АКШ Давлат котибининг ўринбосари Карл Индерфурсни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Тошкент учрашувида фаол иштирок этгани учун Америка Қўшма Штатлари делегациясига миннатдорлик изҳор этар экан, мазкур мулоқотни ташкил этиш ва ўтказишда

Америка томонининг ҳиссаси катта бўлганини таъкидлади. Мулоқот чоғида минтақавий хавфсизлик, Ўзбекистон билан АКШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш билан боғлиқ

ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов иштирок этди. Қабулда Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавкулдда ва мухтор элчиси Жозеф Пресел ҳозир бўлди.

20 июл куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримов Оқсаройда Афғонистон буйича «6+2» гуруҳи Тошкент учрашуви катнашчиси - БМТ Бош котибининг Афғонистон буйича махсус вакили Лаҳдар Браҳимини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Тошкент учрашувининг муваффақиятли ўтганини қайд этиб, бу ишни ташкил этишдаги катта хизматлари учун Лаҳдар Браҳимига миннатдорлик билдирди.

Шуни қайд этиш керакки, муваффақиятли яқун топгани қувонарлиқ дидир, - деди жумладан давлатимиз раҳбари. Чунки ўзаро низолашаётган томонларни музокара ралар столи атрофида ўтказиш энгил иш эмаслиги барчага аён дидир.

Сўхбат чоғида куни кеча «6+2» гуруҳи учрашувида қабул қилинган Тошкент Декларацияси ҳамда Афғонистон буйича имзоланган бошқа ҳужжатларни амалиётга жорий этиш ва минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан ўзаро фикрлашиб олинди.

Суратларда: Қабул пайти А.Тўраев (ЎЗА) олган суратлар

Акс-садо ТОШКЕНТ УЧРАШУВИ ЮКСАК БАҲОЛАНДИ

Афғонистон буйича «6+2» гуруҳининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви жаҳондаги кўп қабатли сийosatчиларнинг эътиборини ўзига жалб қилди.

Мазкур учрашувда Афғонистондаги икки асосий мухолиф - «Толибон» ҳаракати ва Бирлашган фронт вакиллари биринчи бор юзма-юз ўтириб, ўз қарашларини баён қилди. Кўндан-кўн сийosatчиларнинг фикрича, бу яхшилик аломатидир. Негаки, «6+2» гуруҳининг аввалги учрашувида уларни бир даврага йиғишнинг имкони бўлмаган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроил Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур учрашувнинг энг муваффақиятли жиҳатлари ҳам шунда - қарама-қарши томонларнинг бақамти ўтириб, музокара ўтказганида.

Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти расмий вакили Жеймс Рубин Тошкент учрашуви муносабати билан махсус баёнот бериб, АКШ мазкур воқеани юксак баҳолашини ва «6+2» гуруҳи фаолиятини тўла қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Шунингдек, Жеймс Рубин учрашувда қабул қилинган Тошкент Декларацияси ҳам муҳим воқеа бўлганини таъкидлади. Мазкур ҳужжатда Афғонистондаги қўчқар ўзаро музокара йўлини тутиш, мамлакатдаги барча сийosatчиларнинг қўчқар манфаатига мос ҳуқуқат тузишга даъват қилинган. Ж.Рубиннинг фикрича, бу чакирқ Афғонистонда тинчлик қарор топишининг муҳим шартларидан бири эканлиги билан эътиборга молиқдир.

САМАРҚАНД БИЛАН ТАНИШУВ

Афғонистон буйича «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашуви катнашчилари кўнча Самарқандга ташриф бурди. Шаҳар аэропортида меҳмонларни вилоят ҳокими Э.Рўзиев кўтиб олди. Учрашув катнашчиларининг Самарқанд билан танишуви буюк олим ва мунажжим, давлат арбоби Мирзо Улугбек расадхонаси ҳамда унинг хотира музейи зиёратидан бошланди. Меҳмонлар улуг бобокалонимизнинг ҳаёти ва фаолияти, жаҳон фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар билан танишди. Шохизинда ёдгорлик-

лар мажмуи, Бибиҳоним масжиди зиёрат қилинди. Меҳмонлар «Сиб дехон бозори» ҳиссадорлик жамиятида ҳам бўлиб, саҳий юртимизнинг сархил нозне-матларидан татиб кўрди. Самарқанднинг табарруқ заминига қадам боғган ҳар бир меҳмон Шарқ меъморчилигининг ноёб дурдонаси - Регистон майдони ва Гўри Амир мақбарасини зиёрат қилмасдан қайтмайди. Учрашув катнашчилари ҳам бу муборақ қадам-жоларни катта қизиқиш билан кўздан кечирди. Шу куни меҳмонлар Самарқанддан жўнаб кетди.

ҒАЛЛА — 99

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАҚОРЛАРИНИНГ МЕХНАТ ЗАФАРИ

Мамлакатимиз дон мустақиллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишни ўзининг ватанпарварлик бурчи деб билаётган Жиззах вилояти ғаллақорлари улкан меҳнат зафарини қўлга киритди. Вилоят тарихида илк бор она-Ватан хирмониغا 246 минг 100 тонна дон армугон этилиб, шартнома режаси бажарилди.

Эришилган муваффақиятга Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл, Жиззах, Зафаробод, Зарбдор, Ғаллаорол туманлари ғаллақорлари салмоқли улуш қўшди. 340 га яқин оила пудрати, 80 га яқин ширкат ва хўжалик 30-35 центнердан ошириб ҳосил кўтаришга эришди. Урим-ийғим мавсумида 128 та «Кейс» комбайни билан 105 минг гектардан зиёд майдондаги ҳосил йиғиштириб олинди.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 8 йиллиги байрамига пухта ҳозирлик кўраётган вилоят ғаллақорлари давлатга яна 20 минг тонна дон топширишга аҳд қилдилар.

ДОН ХИРМОНИ ЮКСАЛМОҚДА

Тошкент вилояти Буюк тумани дехқонлари дон топшириш шартнома режасини бажарди. Қабул пунктларига 25,3 минг тонна бугдой етказиб берилди. Айни пайтда вилоятдаги ўн беш ғаллақор туманининг ўнтаси зафар маррасини эгаллади. Мамлакат ғалла хирмонига 238 минг 400 тонналик ҳосил билан ҳисса қўшишга аҳд қилган вилоят ғаллақорлари урим-ийғимни ниҳоясига етказмоқдалар. Ҳозиргача юз минг гектар майдондаги ғалла янчиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг маошини ошириш тўғрисида

Олий таълим тизими профессор-ўқитувчилар таркибининг Кадрлар тайёрлаш буйича Миллий дастурда кўзланган мақсадларни амалга оширишда туган ўрни, уларнинг билимдон, касб жиҳатидан яхши тайёрланган, замонавий фикрлайдиган, ўзининг шахсий фикрига эга бўлган фуқароларни - Ўзбекистон ватанпарварларини тарбиялашдаги юксак масъулиятини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, олий ўқув юртлари ўқитувчилар меҳнатини янада рағбатлантириш мақсадида:

1. 1999 йил 1 сентябрдан олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг маоши меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг разрядларига бйноан бир разряд юқори кўтариш ҳисобига оширилиши белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Меҳнат

вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, 1999 йил 10 августга қадар бўлган муддатда профессор-ўқитувчилар таркибининг янги маошларини кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Фармоннинг ижроси билан боғлиқ бўлган харажатларга бюджет маблағлари ажратилишини кўзда тутсин.

4. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Б.Ҳамидов ва Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри 1999 йил
20 июл.

АСОСИЙ МАҲСУЛОТ - ХОРИЖГА

Тўйпепадаги қўшма корхонада фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ жанубий корейлик мутахассислар ўз юртига қайтди. Гап шундаки, уларнинг ёрдамида маҳаллий йигит-қизлар ҳозирнинг ўзидаёқ илгор ишлаб чиқариш технологиясига асосланган мураккаб жараёнларни бошқаришни пухта ўзлаштириб олди.

Мустақиллик шарофати билан қисқа муддатда қуриб ишга туширилган қўшма корхонада бугунги кунда 2350 нафар маҳаллий ёшлар меҳнат қилмоқда. Улар ўзининг фидокорона меҳнати билан йилга пухта хом ашёсидан ўртача 20 минг тоннадан ортиқ қалава ип, 12 минг погон метр хом сурп ишлаб чиқармоқдалар. Маҳсулотнинг асосий қисми Европа мамлакатлари, АКШ ва Жанубий Кореяга жўнатилмоқда. Энг муҳими - етиштирилаётган «оқ олтин» шу ернинг ўзида қайта ишланмоқда, унда келадиган фойда тобора ортмоқда.

Истиқлол - бизнинг тақдиримизда

Биз 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида бой бўлишдан кўриқиб яшадик. Пешона тери билан топилган бойликдан ҳам кўрқа-писа фойдаландик. У пайтлар тузукрок иморат қурган, машина олганнинг ҳам жони ҳалақда эди. Кизиги шундаки, далада, қурилишда узук-кун жонини жабборга бериб ишлаган ҳам, бир-икки соат кўриниб қўйиб, кимларнингдир кўнглини олиб юрганлар ҳам бир хил маош оларди. Ўша даврда оммани сохта гояларга ишонтириш, уларга итоат қилдириш учун қанчадан-қанча куч, маблағ сарфланган эди. Бу иш билан бутун бошли бир тизим шугулланарди.

Тошкент политехника институтида ўқиб юрган пайтларимда дарсларнинг асосий қисми шўролар мафқурасини

сусан, кимошди савдо-сида 24 хонадонли уйни сотиб олиб тивуччилик цехини очдим. Натижада 20 нафар одам иш билан таъминланди. Буни яна изчил давом эттириш ниятидаман. Яқин келажакда новвойхона, этиқдўзлик шохобчалари ишга тушади. Йил охиригача мухтож оилаларнинг яна тўртта суннат, иккита никоҳ тўйини ўтказмоқчиман. Мустақиллигимиз ту-

ИФТИХОР

бизга зўрлик билан синашди. Институтни битириб қурилишда ишлаб юрган кезларимда ҳам текисликка асосланган сийosatнинг салбий оқибатларини кўрганман. Масалан, қўл остидаги қурувчилар бир текис ишламасди. Шунга қарамасдан астойдил меҳнат қилган ишчинини муносиб тақдирлай олмасдик.

Энг ёмони — 70 йил ичида қишлоқларимиз қашшоқлигича қолди. Дехқон кечаю кундуз далада пешона тери тўкиб пахта етиштирадиди-ю ундан манфаат кам кўрарди. Кўллаб қишлоқ аҳолиси учун газ ва тоза ичимлик суви орзу эди. Чунки ўша даврда қишлоқ широрлар ва ёлгон ваъдалар таъсирида яшадик. Ишонсангиз шўролар даврида ўзим санаторийда дам олганимни билмайман.

Фақат истиқлол қўёши чарақлаб чиққандан сўнг бизга ўхшаган захматқашларнинг йўли мунаввар бўлди. Меҳрибон Президентимиз тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш буйича Фармон чиқарди. Шу муҳим ҳужжат шарофати ила барча қатори қамина

ликни ҳис қилган ҳолда ана шу ерда дехқончилик билан шугулланмоқдамиз. Бундан ташқари туманда иккита озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қиладиган дўкон ҳам хўжалигимизга даромад келтирмоқда. Кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш, қишлоқларни газ, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги юмушларидан бўншаб қолган қишлоқларга янги иш ўринлари ташкил этишга Юртбошимиз ва ҳуқуқатимиз жуда катта эътибор бермоқда. Нокамтарлик бўлмасину бу ишларга кам бўлса-да, ҳиссамни қўшиб келаялман. Яқин 2-3 йил ичида тумандаги «Уртабон» маҳалласини газлаштириш учун даромадимдан 200 минг сўм маблағ ажратдим. Туман шифохонасига тиббиёт ускуналари олишга кўмаклашдим. Кам таъминланган оилаларнинг тўрт нафар фарзандларининг суннат, иккита нафарининг никоҳ тўйларини ўтказиб бердим. Даромадимнинг бир қисмини қишлоқ хўжалиги юмушларидан бўншаб қолган қишлоқларни иш билан таъминлаш мақсадида янги иш ўринлари очишга сарфлялганман. Ху-

Турсунпўлат НАЖМИДДИНОВ, Уққўрган туманидаги «Она ер саховати» дехқон-фермер хўжалиги раҳбари.

Ноёб гуллар коллекцияси

Пойтахтимиздаги Республика Ботаника боғида «Кизил китоб»га кирган ноёб ўсимлик турларини кўпайтириш ва иқлимлаштиришга катта эътибор қаратиламоқда. Ўзбекистон Фанлар Академияси Ботаника институти

олимлари саъий-ҳаракати билан гулли ва манзарали ўсимликлар интродукцияси лабораториясида республикамизда илк бор дунёнинг тропик ва субтропик ўлкаларидан келтирилган 800 тур, шакл ва наъдан иборат ўсимликлар коллекцияси барпо этилди. Эндиликда мазкур генофондан республикамиздаги барча ташкилот ва корхона биололари ички қисмини эстетик безашда ва кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилади.

Огоҳликка даъват

БИЗ - ХАЛҚМИЗ!

**Қавмлар - фитратда, сусайди ихлос,
Пайғамбар сийланар гафлатдан ҳалос,
Огоҳлик ундаган боболар устоз,
Нечун қон суюлди, унутдик мерос:
«Менга - нима? Сенга - нима?»**

**Шум бола отасин мулзам тиндирар,
Ёмон-ла ўт ўйнар, ойнак синдирар,
Падаркуш дастидан ини чирқирар,
«Биз киммиз?» - Шохруху Темур чинқирар:
«Менга - нима? Сенга - нима?»**

**Ҳадиси Шарифда мазмун муштарак:
Юрт севиш - азалдан, иймондан дарак,
Ватани саждагоҳ тенглаган малак -
Нажмиддин Куброга муҳиблар керак:
«Менга - нима? Сенга - нима?»**

**Хурмиз, дўст, бу - увнон, жаннатдан
нишон,
Жаннати эмасми, юрти хур инсон,
Кимда бу - хазина, Очилдастурхон,
Тоғ ошиб тош отар тобланган шайтон:
«Менга - нима? Сенга - нима?»**

**Пайғамбар келмас, бас, олам юртига,
Шайтондан огоҳлик - иймон-шудлига,
Унутсақ иллатимиз - ел ва қуртига,
Дажжол фитнаси бор - эл манқуртига:
«Менга - нима? Сенга - нима?»**

**Ватандош, койидим, ёв йўлатма сен,
Истагим, огоҳ бўл, шум ўқ отмасин,
Меҳробга ўт қўйиб, уй портлатмасин,
Тиллабош юртимни ҳеч ким сотмасин:
«Менга - Ватан! Сенга - Ватан!» Биз -
халқимиз!!!**

**Ислол - дин охират, етук, баркамол,
Расули Ақрамдир ҳал этган савол:
«Мендан сўнг тахрирлар - дин учун заво!»
Дукат сол, ҳаром мўй босса, оқ соқол:
«Менга - нима? Сенга - нима?»**

**Абдухамид ЮСУПОВ,
Фаргона политехника институти доценти,
техника фанлари номзоди.**

II. КЎНГИРОТ СОДА ЗАВОДИ — ФАХРИМИЗ

Нафақат мамлакатимизнинг, балки Ўрта Осиёнинг фахри, Ўзбекистон саноатининг пахлавонларидан бири бўлиб қоладиган Уст-юртда қурилатган Кўнгирот сода заводида мамлакат мустақиллигининг саккиз йиллигини муносиб кутиб олиш ҳаракати аллақачон бошланиб кетди.

Шунинг учун ҳам йирик саноат иншооти мажмуида ҳар кун янги-янги бинолар қад ростлаб, десак муболага бўлмайди. Бу ерда доволанш-профилактика маркази, 300 ўринли клуб, 90 ўринли болалар боғчаси биноларида сунги пардозлаш ишлари олиб бориляпти.

Асрий сахро кўйида бунёд этилаётган йирик завод бунёдкорлари учун 48 хонадонга мўлжалланган иккита турар жой, 30 хонадонга мўлжалланган учта ётоқхонанинг қурилиши ҳам жадал суръатларда олиб бориляпти.

Кўнгирот шаҳридан 40 километр ғарбда - «Кўнгирот-Бейнеу» асфальт йўлининг ёнгинаси - «Кийиксой» мавзесида қад ростлаётган заводнинг келаси йили ишга туширилиши ва йилига 210 миң тонна каустик сода ишлаб чиқариши учун бу йил камида 10,5 миллиард сўмлик иш бажарилиши лозим. Корхонанинг ишлаб чиқариш тармоқларини бунёд этиш учун эса Германия билан шартнома тузилиб, бу борада изчил иш олиб бориляпти.

Кўнгирот сода заводининг ишчилар шаҳарчаси, асрий сахрода инфратузилмани барпо қилиш йўлидаги Қорақалпоғистоннинг ўнлаб йирик қурилиш ташкилотлари кўпга юмушларни амалга оширяпти. Асосан, «Фукарсанокатурилиш», «Агроқурилиш», «Оролсувқурилиш», «Қорақалпоқавтойўл», «Қорақалпоқтранс» сингари ташкилотлар кучи билан йилнинг ўтган даврида салкам 1 миллиард 700 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиди. Аммо шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, лойиҳалаштирилган режадаги ишлар қисман бажарилмади. Шунинг асосий сабаби, пудратчилар томонидан тегишли миқдорда ишчилар, техникаларнинг етарли миқдорда ажратилмагани бўлди. Ҳозир бу камчиликларни тезроқ бартараф этиш йўллари изланмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Исло

Каримов яқинда Шўртан газ мажмуи қурилишининг бориши билан танишганда биринчи навбатда бу ерда меҳнат қилаётганларга яратилаётган шароитлар, уларнинг яшаш ва ишлашлариغا

ғамхўрлик қилиш масаласи билан атрафлича қизиқиб, аниқ, фойдаланиш тавсиялар, кўрсатмалар берган эди. Кўнгирот сода заводи қурилишида ҳам Юртбошимизнинг ана шу кўрсатмаларига биринчи навбатда амал қилинаёпти. Беш миң кишига мўлжалланган ишчилар шаҳарчасида бугун 96 ўринли олтита ётоқхона, ҳар бири 30 хонадонга мўлжалланган учта турар-жой, 36 хонадон учун иккита шинаман уй, 250 ўринли ошхона, 50 ўринли қаҳвахона, 300 ўқувчи учун мактаб, дўкон, Германиянинг «Винклер» фирмаси асбоб-ускуналари билан ишлайдиган новойхона, қозонхона, маиший хизмат кўрсатиш комбинати фойдаланишга топширилди. Шунингдек, бир неча муҳандислик тармоқлари, бир кеча-кундузда 960 кубметр сувни тозалаш қувватига эга бўлган ноёб қурилма бир маромда ишлаб турибди.

Энг муҳими, бўлажак завод теварақатрофида салкам 15 гектарли аjoyиб боғ барпо этилди. Фақат шу йил баҳорда экилган ўн миң туп мевали ва манзарали дарaxтлар туркираб ривожланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Кўнгирот сода заводи бунёдкорлари мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллигини муносиб кутиб олиш учун бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ, самаралироқ, сифатлироқ меҳнат қилиш каби эзгу ният билан яшамоқдалар.

Абду РАҲМОН, «Ишонч» муҳбири.

Уни кўпича гоҳ пиёда, гоҳ тўрик отда шовиб юрганини кўриб қолишди. Яқин вақтдан бери, аниқроғи фермер хўжалиги ташкил этган 1994 йилдан бунён уни бирор ерда бемалол ва беҳудага ўтиргани, юрганини кўришмаган. Иши кўп, гаги бутун, бир кишлоқ тadbиркори, мулкдор сифатида танилиб қолган. Қизғин ва доимо ишон билан меҳнат қилаётганлиги боис ҳусусий хўжалиги тараққий этмоқда, мулки кўпаймоқда.

У ўз хўжалигини Қизилтепа чўллари бағрида, Охунбобоёв номи жамоа хўжалигининг 14-бригадаси ҳудудида ташкил этди. 3 гектарли эпакага келиб қолган қумли, шўрхоқ ер устида хўжалик учун бошлана тиклади. Қишда зовурдаги муз сувни кечиб камиш ўрди. Ферма биноси устини шу йўл билан ёғди. 15 километрли олинсаги уйдан ёғоч ташиб келди. Хўжаликни ривожлантириш учун етарли сармоясига йўқ, Лекин гайрати баланд, ниёти катъий эди. Давлатдан 2 миллион сўм қарз олиб, унинг асосий қисмига 40

Бундан 26 йил аввал Олтиариқ марказидаги байрам тadbирларида миллий кураш бўйича мусобақа ўтказилаётган пайт эди. Курашга тушувчи полвонлар рўйхатида бўлмаган, муҳли сифатида томошага келган оддий тракторчи, табиятан ўт йигит Исроилжон Мўминов ҳам даврага ўтди. Унга полвонлар пирлари мадад бердим, меҳнатда чайир бўлиб кетганлиги боисми, ҳар ҳолда биринчи ўринни олди. Шу-шунинг номига полвон, чемпион сифатлари ни қўшиб айтадиган бўлишди.

бош зотдор бўрдоқи сотиб олди. Ақратилган 16 гектар ерни ҳосилдор қилишга киришди. Қишлоқдан гўн-гашиб келди. Ҳар қарин ерни эътиборга олди. Чунки у, деҳқон боласи, ер орқасидан нон топиб келаётган фидойи. Ҳатто хўжалиги худуди атрофидаги буш ерларга, ариқ-зовурлар ёқаларига 500 миң туп терак эди. Бугун бу тераклар иморатбон бўлиб ту-

рибди. Шу билан бирга, 30 сотих ерда мевазор боғ барпо этди. Хўжалигини ривожлантириш учун сунъий қўл қилиб, балик боқди, ўрдақ-ғозларни кўпайтирди. Лекин бу қўшимча тармоқ - балкичиликни янада ривожлантиришга ҳалақит берган муаммо юзага келди. Доимо оқиб турадиган сув йўқ эди. Жамоа хўжалиги бригадаларидан ортиб ўтган ва насос орқали тортиб олинмаган яқоб сув билан бир амаллаб деҳқончилик қилаётганлиги. Шундан бўлса ҳам озука, дон олишга эришиб келмоқда.

Олдин талай муаммолар бор эди, кўпи бартараф қилинди. Иккита муҳим муаммо - фермер хўжалигига кириб бориш йўлини асфальтлаш, электр симини тортиб келиш масалалари ҳал этилмоқда. Исроилжонда чекиниш оdatи йўқ, доимо сабрбардош, кунт ва ирода билан олдинга қараб интилаверади.

Излангандан из қолади, дейишди. Ўтган қисқа давр ичида бу фермер хўжалигида арзғулик ютуқлар қўлга киритилди. Давлатдан олинган қарз узилди. Дастлабки йили 11 тонна гўшт етишти-

мерлар билан ўтказилган кенгашда, келажак - фермерларники, фермерлар янги иқтисодий ислохотларнинг олдинги сафида юришлари лозимлигини алоҳида уқтирган эдилар. Давлатимиз раҳбарининг бу сўзларини дилига жо қилган Исроилжоннинг тўғилди яна янги ниётлар тугилди. Хўжалигини кенгайтириш ҳақида ўйлай бошлади. Ҳозирча барча оила аъзолари етарли иш билан таъминланган. Энди қўшимча иш жойлари яратиш, четдан ишчи олиб, беишларни иш билан таъминлашга бел боғлади. Тумандаги деҳқон ва фермер хўжаликларни уюшмаси ва туман ҳокимлигидаги масъул ўртоқлар билан обдон маслаҳатлашиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғини очадиган бўлди. Шу мақсадни рўйб-га қиқариш учун туман «Деҳқон бозори»даги бўш турган каттагина хонани ижарага олди. 30 нафар малакали чевар ўз шогирдлари билан бирга янги тикувчилик цехида иш бошлади. Бу соҳа Исроилжон учун бутунлай янги эди. Иш-

рилан бўлса, 1995 йиллик унинг ёнига сут ҳам қўшилди. Чунки зотдор соғин сирларни ҳам кўпайтирган эди. Уша йиллик 5 тонна сут ишлаб чиқарилди. Ўтган йиллар ичида маҳсулот етиштириш ва фойда олиш қарийб икки баробарга ўсди. Режалар тобора катталашиб бормоқда. Айниқса, бу йилги режанинг кўлами кенг. Шуниси муҳими, етиштирилаётган маҳсулотларнинг асосий қисми болалар ва соғломлаштириш марказларига топширилмоқда.

Даромаднинг бир қисмини эса хайрия ишларига сарфламоқда.

Қўнчилик эсласа керак, Президентимиз Ислол Каримов Республика Вазирилар Маҳкамасидаги кишлоқ тadbиркорлари, фер-

ни мукаммал изга солиб олиш учун «Бизнес-фонд»нинг туман бўлимидан қарз олди. Ниёти холис экан - ишлари юришиб кетди. Қисқа вақт ичида бу цех чеварларнинг довури атрофга ёйилиб, мижозлари кўпайди. Чеварлар асосий эътиборни тумандаги болалар боғчаларига қойиб ва филофлар тикиб беришга қаратишди. Ҳимматли фермер ҳар бир чойшаб ва филофнинг баҳосидан 100 сўмдан ўтиб берди. Бундай савобли хизмат сикатҳоҳларга ҳам кўрсатилди. Қарийб 300 миң сўмлик маҳсулот бепул берилди ҳаммаси. Бундай танглик ҳамма тadbиркорнинг ҳам қўлидан келавермаси керак.

Бу кўнгли ва қўли очик инсоннинг савобли ишларига яна тўхталмиш мумкин. Жумладан, ўз маҳалласидаги

ракат қилади. Узи бир иш қилолмайди, иш қилганини кўролмайдиган, мол-дунёси бўлатуриб ўзидан орттирмайдиган, фақат гап биландиган одамларни жиним суймайди, -деб гапириб қолди суҳбатимиз пайтида Исроилжон ака. - Турт мучаси соғ, ишлаш ўрнига давлат ёки бировдан нарса қўлиб турган одамдан яхшилик чиқмайди. Мустақиллик тўғрисида эркин ишлайдиган давр келди. Давлат, Президентимиз, ўзингизни кўрсатинг, деяпти. Ҳозир ҳақимда гапирсам, шу ишларим, маҳсулотларим билан дунёга чиқсам, дейман. Кимдир бу орзумга қулар. Улар билан Худо хоҳласа ўшанда, жаҳонга чиқганимда гаплашаман...

У бунинг учун дастлабки қадамларини ҳам қўйган. Исроил давлатининг «Никотекс» компаниясидан кунига ярим тонна сутни қайта ишлаб, 7 хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган кичик цехни сотиб олиш учун шартнома тузган эди. Баҳоси ўшанда 5 миллион сўм бўлган бу цех 45 квадрат метр жойни банд қилар экан. Лекин меҳнат етарли бўлмагани учун бу цех анжуманлари сотиб олиш келолмади. Қанча суриштирмасин, бирорта ботир шерик чиқмади. Бу цех ишлаб турса, узогини билан 1 йилда ўзининг харақатини қоплар экан.

Узимиз етиштирган маҳсулотни қайта ишлаб сотмас эканмиз, биз фермерларнинг ораси ушаламайди - деб қўнчанлик билан давом этади у. - Бугун дўконларда сут маҳсулотлари камчи. Баъзида тоза қаймоқ топилмапти. Қани энди қайта ишлаш цехи ўзимизда бўлса.

Олтиариқнинг «Бугдойчи» маҳалласидаги бу хонадонга тонг эртароқ тушди. Оила аъзолари яхши ниёт билан, барвақ туршиб, дарвоза очадилар. Жойномозга бошлар эгилди, сўнг дастурхон тузалди. Нонуштадан сўнг Исроилжон ака фарзандларига иш тақсимлади, кечани кун таҳлил қилинди. Сўнг бари дарвозадан чиқиб, катта ва қудратли ҳаёт оқимиға қўшилиб кетадилар...

Ҳоликназар ЖУРАБОВ.



Янги замон кишилари ИСРОИЛ ПОЛВОН ИСРОИЛ БИЛАН ШАРТНОМА ТУЗМОҚЧИ

Мана, орадан анча сувлар оқиб ўтди. Тўғун ҳам ўзгарди, одамларнинг яшаш тарзи ҳам. Бугун полвон йигитнинг қувонч-ташвишлари қандай? Истиклол бу оддий йигитга нима берди? Уни кўпича гоҳ пиёда, гоҳ тўрик отда шовиб юрганини кўриб қолишди. Яқин вақтдан бери, аниқроғи фермер хўжалиги ташкил этган 1994 йилдан бунён уни бирор ерда бемалол ва беҳудага ўтиргани, юрганини кўришмаган. Иши кўп, гаги бутун, бир кишлоқ тadbиркори, мулкдор сифатида танилиб қолган. Қизғин ва доимо ишон билан меҳнат қилаётганлиги боис ҳусусий хўжалиги тараққий этмоқда, мулки кўпаймоқда.

урушдан қайтмаган 32 нафар ҳамқишлоғининг хотирасига атаб бўш турган жойида мевазор, гулзор ташкил этди. Маҳалла гузарини обод этишга ҳам бош қўшди. Бу ишларни бажариш учун маблағ керак эди. У енгил машинасини сотди. Маҳалла ободчилигини таъминлаш учун янги режалар ҳам бир олам. Тиббиётхона, новойхона, тикувчилик цехи учун бино қуриш ниятлари бор. Унинг беимнат кўмагидан 10 та кам даромадли хонадон, боқувчисини йўқотган оилалар баҳраманд бўлиб келишмоқда. Бундан ташқари тумандаги бир неча нафар болакайларнинг суннат тўйларини ўтказиб берди. Етим болалар камол топаётган бир оилага ва туман марказидаги болалар боғчасига 5 бош қўй ҳадя этди.



Ўзбекистон касаба уюшмалари ўқув марказида

Касаба уюшма ходимлари замоннинг энг илгор ва адолатли кишилари бўлмоғи даркор. Уларга меҳнатлашадек масъулиятли вазифа юкланган. Бунинг учун у ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, ҳуқуқий масалалар бўйича чуқур билим эгаси бўлмоғи, қарорлар, қонуларни пухта билимоғи лозим.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши касаба уюшма ходимлари ва фаоллари ўқувини ташкил этишга алоҳида эътибор бермоқда. Яқинда Ўзбекистон касаба уюшмалари ўқув марказида касаба уюшмалари Марказий кўмиталари ва касаба уюшмалари Кенгашлари меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш бўлимлари мудириларининг бир ҳафталик ўқуви ташкил этилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг ўринбосари Э.Ўқубовнинг Республика Президенти Ислол Каримовнинг Олий Мажлис XIV сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар, аҳолини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялашга оид маърузаси тингловчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг профессори М.Қирғизбоевнинг «Жамоат ташкилотлари, ҳозирги босқичда уларнинг ўрни ҳамда вазифалари, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўллари», профессор С.Салимовнинг «Иқтисодий ислохотларнинг ривожланиши ва Ўзбекистон Республикаси аҳолисини турмуш фаровонлигини яхшилаш маъзуларидаги чуқур ил-

Навоий «Маҳаллий саноат» акционерлик компанияси Зарафшон, Нурота, Қизилтепада кўп тармоқли бўлимларига эга бўлиб, харидоригр мебел, гилам ва бошқа туркум маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда. Шунингдек аҳолига маиший хизмат кўрсатишда ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан телевизор, радио сошлаш усталарининг хизматидан мижозлар мамнун. Суратда: кинескопларни тиклаш цехида. С.ЗУФАРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Муаммо кўндаланг қўйилади «АСАЛ» ДЕГАН БИЛАН ОҒИЗ ЧУЧИМАЙДИ

Хуштаъм ва мазали асалдан бир татиб кўришга ҳаваси келмаган кишини топиш қийин бўлса керак. Негаки, бу танис, табиий неъмат зўр иштаҳа билан истеъмол қилинибгина қолмай, инсон организмга фойдалилиги, шифобахшлиги билан ажралиб туради. Афсуски, республикамизда асал етиштириш тобора камайиб, асаларичилик соҳаси боши берк кўчага кириб бораётди.

Халқимизда «Асал деган билан оғиз чучимайдми», деган ибратли нақл бор. Ана шу гапни асаларичилик соҳасидаги бугунги аҳолига тadbик қилиш мумкин. Маълумотларга қўра, кейинги бешолти йил давомида Ўзбекистонда асаларичилик ривожланиш ўрнига орқага кетмоқда. Жумладан, 1991 йилда 435,8 миң асалари оиласи мавжуд бўлгани ҳолда, 1997 йилга келиб бу кўрсаткич 222,1 миңгача ташкил этди. Ачинарли жиҳати шундаки, асалари оиласи икки марта камайган бўлса, асал етиштириш ҳажми қарийб тўрт бараварга пасайган. Яъни, 1991 йили 19 миң 554 тонна асал тайёрланган бўлса, 1997 йилда бор-йўғи 5123 тоннага етган ҳолос.

Бир қарашда бундай вазиятнинг келиб чиқишини объектив ҳол деб, ўтиш даврининг қийинчиликлариға йўйиш мумкин. Лекин масалаға чуқурроқ ёндошилганда, асаларичиликни сабаб малакали мутахассис кадрларнинг етишмаслиги эканлиги маълум бўлади. Республикада фаолият кўрсатаётган «Асал» уюшмаси мутасаддилари асаларичилик учун илмий тавсиялар, қўлланмалар етказиб беришга етарли эътибор бермапти.

Юқоридаги сабалар ва асалари оиласи сонининг қисқариб кетиши оқибатида асаларичиликда 1998 йилда 1 миллиард 68 миллион 500 миң сўм зарар кўрилди.

Масаланинг яна бир томони шундаки, жойларда асаларичиликни ривожлантириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, ходимларни рағбатлантириш, илгор усулларни соҳага кенг тadbик этиш кераклиги даражада йўлга қўйилмаган. Бунинг устига асаларичиликнинг қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришдаги аҳамияти ҳам эътиборсиз қолмоқда. Масалан, гўза асалари ёрдамда чангланганда пахта ҳосилдор-

лиги ўрта ҳисобда 3 центнерга ошиши амалда исботланган бўлса-да, бу амалий тadbикчини топмайпти.

Биргина Самарқанд вилоятида мавжуд учта асаларичилик хўжалигидаги ишлар таҳлил қилинганда бутун соҳанинг аҳолини яқол тасаввур этиш мумкин. Асаларичилар қийин шароитда меҳнат қилаёпти. Улар учун ажратилган майдонлар асалари парвариши учун ноқулай. Техника воситалари яроқсиз ҳолга келган, жониворлар учун ажратилмаган шакар маҳсулоти етарли эмас. Асалари захри, она ари суги, асалари гўлчанги каби тиббиёт соҳаси учун ниҳоятда зарур неъматлар тайёрлаш ҳам ёмон аҳволда.

Яна бир долзарб муаммо шундаки, етиштирилган асални соташда, нарх-навосини белгилашда қатъий тартиб ва назорат ўрнатилишиға эришиш зарур.

Мутахассислар фикрича, республикамизда асаларичилик соҳасининг оқсаетганлигини айнан шу қатъий тартиб ва назорат етарли эмаслигида экани билан изоҳлаш мумкин. Чунки, жаҳон бозорида бир килограмм ўртача 22-24 АҚШ доллари турадиган асалари муми ҳорийий давлатларға «Асал» уюшмаси томонидан жуда паст нархда - 130-300 сўмга сотилмоқда. Чунончи, Москвадаги «Рошар» фирмаси 55 тонна, Туркиялик ишбилармонларға 16,5 тонна, Германиянинг «ВВТ» компаниясиға 45 тонна ва яна бошқа ташкилотларға кўплаб миқдорда «арзон мол» етказиб берилган.

БИЛИМИ ВА ОМИЛКОР БЎЛАЙЛИК

ларда уч йирик корхона турли сабабларға қўра тугатилди. Лекин уюшма ишсиз қолган уч миң кишини иш билан таъминлади. Аёллар йили муносабати билан бу ерда ишловчи хотин-қизлар меҳнат таътилига ҳақ тўланадиган уч кун қўшиб берилди. 12 ёшгача фарзанди бўлган оналарға иш кўни қисқартирилган. Болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига йўланмалар бепул берилмоқда. «Тошкент нон ишлаб чиқарувчилар уюшмаси» ва унга қарашли «Сағбоннон» акционерлик жамиятида жамоа шартномаларини тузиш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан бой тажриба тўпланган. Уюшма касаба уюшма кўмитасини-

Сурайё АГЛАЕВА.

Конституциямизнинг 44-моддасида «Хар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади». - деб, қатъий белгилаб қўйилган.

Суд ишларида ҳар доим фақат ўзини ҳақли, одил деб ҳисобловчи бир-бирига қарама-қарши икки тараф мавжуд. Улардан биринчи-

бундай ҳоллар камдан-кам учрайди. Айбланувчи, одатда ўзини ҳақ деб ҳисоблаб ҳимояланишга интилади, жабрланувчи билан тортишади, унга

билдиришига боғлиқ. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, ана шу тортишувни ҳалол йўллар билан амалга оширилишига шарт-шароитлар яратиб бериши керак.

Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш суднинг вазифаси. Аммо суриштирувчи, терговчи ва прокурор суд мажлисигача далилларни ҳар томонлама тў-

иштирок этаётган бошқа мансабдор шахслар, жамоалар, идоралар, бу масалани ҳал қилишда иштирок этишлари ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришлари мумкин. Лекин ниҳоти, муаммоли ҳолатни аниқлаш ва унга баҳо бериш фақат суднинг ваколатига қиради. Бу халқаро ҳуқуқ нор-

Биздан сўрабсиз!

Саволларингизга Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши меҳнат ҳуқуқлари Бош нозири Ҳамидулла Премкулов жавоб беради.

САВОЛ: 1. 1967 йилда туғилганман. Олий маълумотли аграномман. 1990 йилда турмушга чиққанман. Турмуш ўртоғим ҳеч жойда ишлайди. У билан 8 йил яшаб ажрашганман. 2 та қизим бор.

Собиқ эримдан болаларимга алимент ундириб бериш учун Шеробод халқ судига мурожаат қилган эдим. 1999 йилдан бошлаб 880 сўм алимент тўлашни белгиланди. Мана 4

маган бўлса, алимент қарзи ундирилаётган вақти алимент Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори бўйича ҳисоблаб чиқилади. Агар қарзни бундай белгилаш тарафлардан бирининг манфаатларига жиддий путур етказса, манфаатларига путур етказилган тараф судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Суд тарафларнинг моддий ва оилавий аҳолини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни инобатга олиб, қарзнинг

назар, ўтган барча вақт учун ундирилади. Алиментни ўз вақтида тўламаганлиги учун алимент тўлаш тўғрисидаги қелиншувга мувофиқ алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келган бўлса, айбдор шахс ушбу қелиншувда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Суднинг ҳал қилув қарорига қўра алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг айби билан қарз вужудга келган бўлса, айбдор шахс кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмай қолган алимент суммасининг ўндан бир фоизи миқдорида алимент олувчига неустойка тўлайди.

Алимент олувчи алимент ўз вақтида тўламаганлигида айбдор алимент тўлаши шарт бўлган мажбуриятларини ўз вақтида бажармаганлиги оқибатида етказилган барча зарарларнинг неустойка билан қопланмаган қисмини ундиришга ҳам ҳақлидир.

2. Томорқа ажратиш масаласи жойлардаги ҳокимиятлар томонидан ҳўжалиқларнинг ер ажратиш имкониятидан келиб чиқиб ҳал этилади. Бу борада аёлларга нисбатан бирон-бир чегаралаш йўқ.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-сон қарори билан тасдиқланган «16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тўлаш ва тўлаш тўғрисида»ги низомда оиланинг нафақага муҳтожлигини аниқлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳузурда махсус комиссия тузилади, унинг таркиби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли) томонидан тасдиқланади.

Комиссия таркибида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли), ўзини ўзи бошқариш органининг маслаҳатчилари ва котиби, туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан вакил қилинган, нафақалар тўлаш ва уларни тўлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига амалий ёрдам кўрсатувчи меҳнат, иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш тумани (шаҳар) бўлимининг ходими (кейинги ўринларда - меҳнат биржаси ходими деб аталади), шунингдек, зарурат бўлганда туман (шаҳар) солиқ ва молия органларининг вакиллари қиради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида, агар уларнинг ҳуқуқларида нисбатан кўп оила яшаса, бир неча комиссия тузилиши мумкин. Бундай ҳолларда раис (оқсоқол)нинг ва меҳнат биржаси ходимининг ҳар бири комиссия ишида қатнашиши маж-

бурийдир. Комиссия нафақа олиш учун мурожаат қилган оиланинг моддий ва мулкий аҳолини ариза берилган санадан бошлаб икки ҳафта муддатда текширади ҳамда аризани ва тақдим этилган ҳужжатларни ҳар томонлама кўриб чиқиш асосида нафақа тайинлаш тўғрисида ёки нафақа тайинлашни рад этиш ҳақида фуқаролар йиғини (фуқаролар вакиллари мажлиси)га икки ҳафта муддатда таклиф қиритади.

Оиланинг моддий ва мулкий аҳолини текшириш натижалари юзасидан текшириш далолатномаси тузилади (1-илова), унда қуйидагилар мажбурий тартибда кўрсатилиши керак:

текширилаётган оиланинг таркиби;
текширилаётган оила умумий даромадининг миқдори;

оила аъзолари даромадлари шаклланишининг асосий манбалари;

катта ёшдаги (меҳнатга лаёқатли) оила аъзоларининг иш билан таъминланганлиги тўғрисида маълумотнома.

Оиланинг нафақага муҳтожлигини аниқлаш учун мазкур оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган оила умумий даромадининг миқдори асос сифатида қабул қилинади.

Ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган оиланинг умумий даромадини аниқлаш учун барча турдаги даромадлар қўшиб чиқилди ва оила бўлган сумма ҳисоб аъзолари сонига тақсимланади (даромадлар деганда: солиқ солинадиган даромадлар, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий ҳусусиятга эга бўлган бошқа тўловлар, шунингдек, шахсий ёрдамчи ҳўжалиқдан олинган даромадлар ҳисобга олинади). Икки ва ўндан ортик ой учун оила аъзоларининг даромадлари ҳисобга олиниши керак бўлган ҳолларда - ҳисобга олиниши керак бўлган давр учун оила аъзоларининг умумий даромади оила аъзоларининг сонига ва мазкур даврдаги оилар сонига тақсимланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мезонларни ва нафақа тайинлаш учун асосларни ўзини ўзи бошқариш органи ҳисоб рақамларидаги маблағлар миқдоридан ва нафақанинг белгиланган миқдорларидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайди.

ҲИМОЯЛАНИШ ҲУҚУҚИ ВА ТАРАФЛАРНИНГ ЎЗАРО ТОРТИШУВИ

си қонунларимизда даъвогар, жабрланувчи деб номланади. У муқаддам ноҳўя хатти-ҳаракат ёхуд жиноят оқибатида ҳуқуқи, эрки камситилган, жабрланган шахс, эндиликда жабрланувчи ёки жабрланаётган эмас, балки даъво қилувчи, даъвогар. Лекин рус тилидаги «потерпевший» атамаси бир вақтлар «жабрдийда» тарзида таржима қилиниб, кейинчалик «жабрланувчи» ҳолида қўлланиб келинмоқда.

Бундай шахсларни аксарият хориж мамлакатларида «даъвогар» деб аталиши бежиз эмас. Бизда эса «даъвогар» атамаси фақат судда фуқаровий ва ҳўжалиқ ишларини кўзга тутиш тарафга нисбатан ишлатилади.

Табийки, ўзини жабр қўрган деб ҳисобловчи тараф ўз ҳуқуқи, дахлсизлиги, эркинлиги ва қонуний манфаатларига путур етказган шахсга нисбатан даъво кўзга тутиш, қадр-қиммати тиклашни сўраб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат этади.

Иккинчи тараф — айбланувчи. У жабрланувчидан кечирим сўраши, қилмишига сиз қидилдан пушаймон эканлигини билдириши ҳам мумкин. Бу айни мундоқ бўларди. Лекин

эътироз билдиради, у келтирган исбот-далилларни инкор қилади.

Айблаш учун далиллар етишмаган, исбот тўла ва ишонarli бўлмаган ҳолларда бу тараф айбланувчи эмас, гумон қилинувчи деб аталади. Кези келганда шуни ҳам эслаш жоизки, ана шу шубҳа остига олинган шахс 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлган қонунларимизда «гумондор» деб аталар эди. Луғавий маъносига қўра, бу атама гумонга эга (мулкдор — мулкка эга каби), гумони бор шахсни англатади. «Фалончидан гумондорман» иборалари фикримизнинг исботи. Демак, аслида «гумондор» деб биринчи тарафни, жабрланганни, даъвогарни эътир қилиш, иккинчи тарафни эса, гумон қилинувчи деб аталиши тўғри бўлади.

Жабрланувчи баъзан унга азият етказган қарши тарафни аниқ билмаслиги мумкин, уни излаб топиш, ҳақиқатни аниқлаш, адолатни тиклаш мажбурияти қонунга мувофиқ суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг зиммасига юкланган. Лекин, ҳар қалай жиноят ишини тўғри ҳал қилиш тарафларнинг ўз ҳуқуқ ва имкониятларидан етарлича фойдаланиши, далиллар тақдим этиш ва эътирозлар

«ИШОНЧ»НИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

ла ва ҳолисона йиғиши, уларни тўғри таҳлил қилиб, тарафларнинг тортишуви кенг қўламда ва ҳалол ўтишини таъминлаш шарт.

Суд муҳокамасини самарадорлиги эса тарафларнинг тортишуви, унинг мазмунига, баҳсининг асоси ва ишонarli бўлишига боғлиқ. Ҳар иккала тараф ўз манфаатлари йўлида турлича фаоллик, уздабуронлик, мохирлик кўрсатдилар. Бунинг учун қонун уларга тенг ҳуқуқлар беради ва бир хилда имкониятлар яратиб берилишини талаб қилади.

Суднинг наздида жабрланувчи ҳам, айбланувчи ҳам тенг. Уларнинг ҳар бири ўз ҳуқуқини ҳимоялайди, ўзaro тортишади. Суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқидан ва бошқалар билан тараф сифатида ўз манфаатларини кўзлаб тортишадилар. Суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқидан ва судда тортишув имкониятидан ҳеч ким маҳрум этилиши мумкин эмас.

маларида ифодаланган умуминсоний қоида ҳисобланади.

Тарафлар, ким ва қандай ижтимоий-иқтисодий нуфузга эга бўлмасин, чиқарилган қарорга бўйсунадилар. Аниқроқ қилиб айтганда, суд олдида тарафлар тенг. Ҳар бир жисмоний ва юридик шахс тараф сифатида суд олдида жавоб беришга мажбур. Кенг маънода уларнинг ҳар бири судда ҳимояланиш ҳуқуқидан фойдаланадилар ва бошқалар билан тараф сифатида ўз манфаатларини кўзлаб тортишадилар. Суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқидан ва судда тортишув имкониятидан ҳеч ким маҳрум этилиши мумкин эмас.

Гофур АБДУМАЖИДОВ, Конституцион суднинг судьяси, юридик фанлари доктори.

Оққўрғон туманидаги «Гулистон» жамоа ҳўжалигида тарғибот ишлари намунали йўлга қўйилган. Меҳнат жамоаларида меҳнатчилар томонидан билдирилаётган таклиф-мулоҳазалар алоҳида инобатга олинади. Маъмурият, қасаба уюшма кўмитаси меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш, муаммоларни жойида ҳал этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Суратда: 1-бригада саркори С.Жумаев дехқонлар ўртасида сўнги беш кунлик натижалари ҳусусида ўзаро фикрлашмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.



Атроф сув куйгандай жим-жит. Кечаси соат чамаси ўн бирлар. Бекорчиликдан айланиб келишга чиққан уч киши кўчада учрашиб қолишди. Улар анча вақт фикрлашди. Сухбат мавзуси қандай қилиб осон йўл билан пул топиш мумкин, деган савол атрофда айланарди. Бири у йўлни танласа, буниси бошқа йўлни таклиф қиларди. Ниҳоят, улар бир тўхтамага қелишди.

- Рангли металлларнинг қўшни Қозғистонда харидори кўп. Лекин уни қаердан топамиз?
-Мен биламан,-деди бири сукунатни бузиб. Қолганларга жон кирди. Маслаҳатлашиб уйларида билан-чилан қалитларини олиб келишди. Мўлжал- Гагарин шаҳридаги қорхона устaxonаси эди.
- Устaxonадаги электродвигател ичида анча-мунча мис ўрами бор. Яхшигина пулга айлантурса бўлади. Ҳозир айни пайти, вақтни беҳуда ўтказмайлик, бўлмаса кеч бўлади,- таъкидлади ҳамтавоқлар каттаси.
Учовлон қорхона деворидан ошиб ўтишганида соат миллари ўн иккинчи кўрсатарди. Бу ерда ҳам уларнинг каттаси йўлбошчилик қилди. У устaxonа эшигидан кириб, мурватлардан электродвигателни еча бошлади. Кузатувчи шарпалар атрофга олазарак бўлиб туришди.

Огоҳ бўлайлик!
-Бемалол ечавер, қоровул иккинчи тушини кўраётган бўлса керак. Ишқилиб, тушида бизни кўриб қолмасинда,-деди шериклардан бири. Бу ҳазилдан учовлон мийида кулиб олишди. Ечиб бўлишгач, ўлжани девор ол-

«АЙБИМГА ИҚРОРМАН»

дигача навбат билан кўтариб боришди. Уни девордан ошириб ўзлари ҳам бирин кетин ошиб туша бошладилар.
Кейинги бекатда ўзларини қандай тақдир кутаётганини улар билмасдилар. Шу ернинг ўзида электродвигателни қисмларга ажрата бошлашди. Бироқ тепасида қандайдир шарпа турганини кўрган йигитчанинг қўллари йўригига бўйсунмай қолди. «Қочиб керак» деган фикр хаёлидан яшин тезлигиде ўтди. Аммо энди кеч бўлганди. Қорхона қоровули Муродбекнинг бақувват, қўллари остидан чиқиб кетишининг иложини тополмагач, ноилж унинг йўригига бўйсунди мажбур бўлди. Ше-

риллари ура қочдилар. Қорхона қоровули уни туман ИИБга олиб бориб топшириши билан тезкор гуруҳ кўп ўтмай бошқаларини ҳам ушлаб келди.

Ўғриллар вояга етмаган, 1987 йилда туғилган, ҳеч қаер-

да ишламайдиган Алдаберген Қиличев, унинг тенгдоши Нурбергенов Усенбоев ва 1983 йилда туғилган Гагарин шаҳар қишлоқ ҳўжалиқ лицейи толиби Кобейсин Мулдибаевлар экан. Шу ерда ҳақли савол туғилади: Улар бу йўлга қандай кириб қолдилар?
Таассуфки, ота-оналар қачонки милиция ходимлари фарзандларини суриштириб кетишган, уларнинг эгри йўлга кириб қолишганидан хабардор бўладилар. Фарзандларининг кечаси билан қаерларда санқиб юриши, уларнинг дўстлари қимлигини суриштирмаган ота-она бир кун келиб афсус-надомат қилиши тайин. Афсуски, ўшанда кеч бўлади. Сўнги пушаймон- ўзинга душман,

деган нақл бекорга пайдо бўлмаган, ахир.

Яқинда Мирзачўл туман судининг очик суд мажлиси Р. Умурзоқов раислигида ушбу жиноят ишини кўриб чиқди. Судда айбланувчилар қилган ишларига тўлиқ иқдорлик билдириб, чин дилдан пушаймон эканликларини айтишди.

Суд уларнинг вояга етмаганликлари, биринчи бор судланишлари ва қилган жиний ишларига тўлиқ иқдорлик билдириб, чин кўнгилдан пушаймон эканликлари, оилавий аҳволларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57- моддасини қўллашни мақсадга мувофиқ деб толди.

Бирок айбдорлар мамлакатимиз Президентининг 9 май Хотира ва Қадрлаш кўни деб эълон қилиниши муносабати билан «Амнистия тўғрисида»ги Фармонининг 1 моддаси «В» бандига асосан суд залидан озод қилиндилар.

Ҳўш, юзлари шувут бўлган ўсмирлар, уларнинг ота-оналари ўзларига тегишли ҳулосалар чиқариб олишганимикин?

Хайрулло АБДУЛЛАЕВ, Шаҳзоод НАЗАРОВ.

Кексаларга давлат соябон

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида аҳолининг турмуш даражасини ошириш, унинг барқарор ўсишини таъминлаш ва кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати бундан кейин ҳам ислохотларнинг барча босқичида асосий йўналишлардан бири бўлиб қолиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Жумладан, Президентимиз шу сессияда қилган маърузасида куйидагиларга диққатни қаратди: «Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида ёлғиз-қариялар, пенсионерлар ва ногиронлар талаблари ва эҳтиёжларига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Ҳокимликлар, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот органлари яқин беш йил ичида ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларнинг уй-жой, маиший-турмуш шароитларини яхшилаш, уларни дори-дармонлар ва махсус муолажа билан таъминлаш, қариялар ва ногиронлар интернетларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқишлари зарур.»

мий микдори 14 миллион 899 минг сўмлик турли хилдаги моддий ва иқтисодий ёрдам берилди. Оқдарё тумани А.Темур жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи иккинчи гуруҳ ногирони Т.Эшқуватов оиласи учун 58,5 минг сўмга бир бош қора мол харид қилинди. Ургут туманидаги Ҳамза номли ва «Зарафшон» жамоа хўжалигидаги уч ногиронга ногиронлар арачаси олиб берилди. Пахтачи туманидаги Охунбобоев номи жамоа хўжалигидан П.Расулова, Б.Мирзаев оиласининг ҳар бирига 10 минг сўмлик моддий-ёрдам берилди. Бундай мисолларни бошқа туман ва шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари фаолиятидан ҳам келтириш мумкин. Вилоят ижтимоий таъминот тизимидаги «Мурувват», «Саховат» уйларига маҳаллий бюджетдан салкам 40 миллион сўм ажратилган бўлса, ҳомиёлар томонидан ҳам беғараз ёрдам берилмоқда. Самарқанд шаҳридаги «Саховат» уйини қайта таъмирлаш, янги қозонхона ва 20 кишига мўлжалланган ҳаммом биносини ўз ҳисобидан қуриштириш мақсади билан «Шарк» концерни 16 миллион сўмлик қурилиш ишларини амалга оширмоқда. Шунингдек, автошоҳбехат, виллоят дон маҳсулотлари бирлашмаси, «Афросиёб» меҳмонхонаси, 78-маршрутда қатновчи микроавтобус хайдовчилари, виллоят қурувчилик бирлашмаси ва бошқа ташкилотларнинг меҳнат жамоалари ҳам интернет уйларига аниқ манзилли ҳомиёлар ёрдами кўрсатмоқдалар.

КЎНГИЛ ОВЛАМОҚ КАТТА САВОБ

... Бу ишларнинг ҳаммасига хайрия ташкилотлари, давлатга қарашли бўлмаган жамғармалари, тадбиркорлар ва ҳомиёларнинг маблағларини кенг жалб этиш лозим. Дарҳақиқат, ушбу масала давлатимизнинг ҳар доим диққат марказида турибди. Ижтимоий муҳофаза бозор иқтисодиёти даврида одамларни вақтинчалик қийинчиликлардан ҳимоя қилишнинг энг тўғри усули ва ислохотларга асос қилиб олинган беш тамойилнинг бири сифатида танлаб олинди. Ҳозир у изчиллик билан давом эттирилмоқда. Оқридагиларни ҳисобга олган ҳолда виллоят ҳокимлиги ижтимоий таъминот бошқармаси, унинг жойлардаги муассасалари Республиканинг Президентининг Олий Мажлиси сессиясидаги маърузаларидаги кўрсатмаларга асосан 300 мингдан кўпроқ фуқароларга тиббий, ижтимоий хизмат кўрсатиб келмоқдалар. Бугунги кунга келиб пенсия ва нафақаларнинг ойлик умумий микдори бир миллиард сўмга яқинлашган бўлса-да, виллоят ҳокимлигининг катта амалий ёрдами натижасида пенсия ва нафақаларни ойма-ой ўз вақтида эгаларига етказиб беришга эришилмоқ-

да. Шунингдек, виллоятимизда истиқомат қилаётган 1700 дан кўпроқ яқка-ёлғиз фуқароларга кўрсатилаётган ёрдам ҳам тубдан яхшиланмоқда. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, ҳомиёлар, хайрия жамғармалари ва жамоат ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган адрес манзиллари ёрдами ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Рўйхатга олинган яқка-ёлғизлардан 553 нафари Республика Президентининг 1991 йил 27 майдаги «Ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлган яқка-ёлғиз фуқароларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 4,5 миллон сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари билан бепул таъминланди. Уларга ҳомиёлар томонидан ҳам 1,2 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди. Аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш давлатимиз тараққиётининг бош омили эканлигини ҳисобга олган ҳолда виллоятда истиқомат қилаётган 14600 дан зиёд кам таъминланган оилаларга тизимли ҳодимлар, хайрия жамғармалари ва ташкилотлар томонидан аниқ манзилли ижтимоий муҳофаза қилиш дастури амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг иккинчи чорагида рўйхатга олинган 6361 оилга умумий

М.ЖЎРАЕВ, Самарқанд виллоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи.

ЎЗ ЎТМОҚДА СОЗ

Асака автомобил заводи касаба уюшма кўмитаси ишчи-хизматчиларининг фарзандларини ёзги соғломлаштириш мавсумини муваффақиятли ўтказиш учун изланиб келмоқда. Июн ойида виллоятдаги тўрт оромгоҳда автомобил соэзларнинг 160 нафар ўғил-қизи ҳордиқ чиқаришган эди. Бу ойда эса 205 нафар бола Хонободдаги «Ирригатор», Марҳаматдаги «Бинокор» ҳамда Асакадаги «Сўлим» оромгоҳларида ўз таътиллариини мазмунли ўтказмоқдалар. — Биз виллоятдаги 30дан зиёд оромгоҳ шарт-шароитини ўрганиб чиқиб, энг яхшилари билан ўзаро шартнома асосида ҳамкорлик қилмоқдамиз, - дейди кўшма қорхона касаба уюшма кўмитаси раиси Мирфозил Олимов. Оромгоҳларнинг учинчи навбатида яна ишчиларимизнинг 100 нафар фарзандини дам олириш ниятимиз бор. Фарзандларига кўрсатилаётган бу гамхўрликни қалбдан ҳис қилган ота-оналар кўтаринки кайфиятда астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ш.НЕЪМАТОВ.



Мустақиллик иншоотлари

Биз тарихимизни биламизми?

Ўзбекистон ҳудудида кўплаб тарихий обидалар, кўҳна маданиятимиз сир-асрорлари яшириниб ётибди. Уларни очиб, ўрганиш ва илмий асослаш масалалари билан олимлар, мутахассислар бир неча йиллардан буён шуғулланиб келмоқдалар. Чотқол тизма тоғларига туташ ерларда жойлашган Чорлоқ ота, Намданак (Эскитепа), Кўтулли ота (Тошкент вилояти) деб аталмиш гўша асрларда гуллаб-яшнаган, обод ва сувга сероб таниқли шаҳарчалар ҳисобланган. Улар ёнидан оқиб ўтган Бошқизилсой ариғи кўп асрли тарихий воқеа-ҳодисаларга гувоҳ. 1963 йилда бу ерда илмий тад-



учала шаҳардан турли асрларда зарб этилган тангалар, сополсозлик буюмлари топилиди.

НАМДАНАК - КЎҲНА ШАҲАР



талар, йирик савдо расталари фаолият кўрсатган. Маҳаллий савдогарлар Мўғлистон, Хитой каби кўплаб Шарқ мамлакатлари билан мол-буюм айирбошлаганлар. Ва демаким, Буюк Ипак йўли Намданак орқали ҳам ўтган. Лекин Чингизхон истилоси даврида шаҳар таниб бўлмаган даражада харобага айланган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу ерда темирйилар авлодини аллома вакили Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг қутлуғ излари бор... Қазилма ишлари пайтида юқориди тилга олинган

саллас ва бошқа маҳсулотлар захираларини катта хум идишларда сақлашдан далолат беради. Хуллас, бу тарихий жой билан боғлиқ кўпгина жумбоқларни очиб ва уларни кенг жамоатчиликка маълум қилиш тарихий олимлар, мутахассислар зиммасидаги вазифадир. Павел СИЛИН.

Суратларда: Намданак қишлоғилик Ақром Дадаҳўжаев ва Марат Ашировлар топан кўза, ўнда эса катта хумга ўрнатилган йўлбарс боши шаклидаги ушлагич.

«УСТОЗ» ГРАНТИ СОҲИБИ

Республика «Устоз» жамғармаси томонидан амалга оширилаётган таълимий тадбирлар мамлакатимиз ўқитувчилари касб маҳоратларини оширишда ҳамда уларда изланувчанлик қобилиятини кенг йўлга қўйишда муҳим маърифий аҳамият касб этмоқда. Республикаимизнинг бир гуруҳ иждоқор ўқитувчилари эса 1999-2000-ўқув йилида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония ва Малайзия каби давлатларнинг етакчи бўла марказларида ўз билим ва маҳоратларини ошириш имкониятига эга бўладилар. Шу мақсадда жамғарма томонидан ўтказилган танловда Жиззах туманидаги 28-умумий таълим мактабининг олий тоғфали инглиз тили ўқитувчиси Хулқар Мустафоқуллова голиблигини қўлга киритди. — Оддий қишлоқ мактаби ўқитувчиси Х.Мустафоқуллова чиндан ҳам изланувчан фидойи муаллим, - дейди «Устоз» жамғармаси референти Малика Саидхўжаева. - Унинг яратган «Кўнгирик билан дарс ўтиш», «Сехрли кўтича», «Расмлар чизиб орқали янги сўзларни ўрганиш» каби кўргазмалар ўқув қуроллари Америка ҳамкорлик ташкилотининг ижобий баҳосини олди. У Америка ахборот хизматиинг «Ўқитишда алоқчилик муқофоти дастури»да ҳам муваффақият билан қатнашди. Шу сабабли ҳам иждоқор муаллими Американинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ўқув жиҳозлари билан тақдирланди. Голиб ўқитувчи республика таълим маркази тавсияси асосида болалар боғчалари учун инглиз тили дарслигини яратиб устида иш олиб бормоқда. Айтиб бир вақтда у академик лицей, касб-хўнар коллежлари учун ўқув дастурини тузиш ниятида бой билим ва педагогик маҳоратини ишга солган ҳолда жиддий изланмоқда.

Лоқайдлик - қалб фалажи

(Фарзанд...) катта бўлгани сари жисми ва руҳи қувват топади, ҳамма феъл-атвори намойиш бўлади. қамолга етгандан сўнг, ҳамма ахшилик ва ёмонлигини зоҳир қилади. Сен эса адаб, ҳунар ва билиминг унга ўзингдан мерос қилиб қолдиригил, токи унинг ҳаққини бажо келтирган бўласан. «Қобуснома»дан. —Озод, бу ёққа кел! - Абдурахмон ақанинг гаражи орқасида ўтирганлар орасидан чиққан овоз Озодни сескантирди. —Ниманг бор, кел карта ўйнаймиз. —Карта ўйнашни билмайман-да, - жавоб берди Озод. — Узим ўргатаман сенга. Озод қорни очиб, уйга кетгиси келса ҳам Раҳмат, яъни Радикдан кўрқанидан унинг олдига боришга мажбур бўлди. Уйин бошланди, кетма-кет Радикнинг фойдасига ҳал бўларди. Оқибатда Озод анча-мунча қарздор бўлиб қолди. Энди кенчи пайтлар ҳам у уйдан секин чиқиб кетадиган одат чиқарди. Уйдагиларнинг саволларига хушламайгина, баъзида жеркиб жавоб қайтарар, бундан онани боланинг улғайиб, феълларининг ўзгарганлигига йўярди. Озоднинг синф раҳбари уларнинг уйига келишга мажбур бўлди. — Уй ишларининг шунчалик кўпайиб кетмаганидан кўнрақлик билан леда Лола она. —Қаёт беш баҳога ўқийдиган бола, дарсда ҳаёли ҳар томонга қочиб, зўрға уч оладиган бўлиб қолди. Касал бўлса даволатинлар.

бошлади. Оиладаги тотувликка дарз кетди. Бу аҳвол ўша ҳамма оқшомоғича давом этди. — Озод, ушла бун, - деди Радик тутаб турган сигаретани узатиб. — Бир татиб кўр. Кейин бир иш қилаймиз, ҳамма қарзларингдан қутуласан. Ҳатто бизларни қарздор қилиб қўясан... —Терговчи хонадонга келиб келганидан эр-хотин икки кундан буён қорасини кўрсатмаётган ўғилларини қоралаб, қизлари Наргиза олиб келган маставани ичиб ўтиришган эди. Лоқайдлик - қалб фалажи. Бу касалликка чалинган кишидан омад юз ўғиради. Хонадондан барака кўтарилди. Юқоридидаги қабил кўнгилисиз воқеалар рўбарў бўлаверди. Ҳушёр, жонқуяр кишилар тўғри таъкидлашапти: 16 феврал воқеалари барчамизнинг кўзимизни очди. Ҳаётда кўпчилигимиз анчайин бефарқ бўлиб қолибмиз, кўпроқ ўзимизни ўйлаб кетибмиз. Эндиликда маҳаллар фаоллари олдида катта талаблар қўйилаётганлиги ҳам шундан. Ҳеч ким бирор сония эътибордан четда бўлмасин. Бемақсад кўча тентираётган ёшларни қатъий назоратга олиш, уларга йўл-йўриқ, маслаҳатлар бериб ҳаётда ўз ўринларини топишга ёрдамлаш ақли расо кишилар учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Соғлом муҳит, ўзаро талабчанлик бўлган жойда эса асло кўнгилисизлик рўй бермайди. Энг катта муаллим - ҳаёт буняқ қол исботламоқда.

Темур ХАЙДАР. — Ҳушёр, жонқуяр кишилар тўғри таъкидлашапти: 16 феврал воқеалари барчамизнинг кўзимизни очди. Ҳаётда кўпчилигимиз анчайин бефарқ бўлиб қолибмиз, кўпроқ ўзимизни ўйлаб кетибмиз. Эндиликда маҳаллар фаоллари олдида катта талаблар қўйилаётганлиги ҳам шундан. Ҳеч ким бирор сония эътибордан четда бўлмасин. Бемақсад кўча тентираётган ёшларни қатъий назоратга олиш, уларга йўл-йўриқ, маслаҳатлар бериб ҳаётда ўз ўринларини топишга ёрдамлаш ақли расо кишилар учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Соғлом муҳит, ўзаро талабчанлик бўлган жойда эса асло кўнгилисизлик рўй бермайди. Энг катта муаллим - ҳаёт буняқ қол исботламоқда.

Кўчада ТЕНТИРАГАН БОЛА

тебрата олмайсиз. Бошим йўқликдан чиқмайди. Бу дунёга нимага келганим ўзи. Ана, Мавлуданинг хўжайини, тағида янги машина. Уйига ҳамма нарсани ташгани ташиган. Қандай янги мато чиқса биринчи бўлиб Мавлуда қияди. Боласининг ўқувчилари билан ҳам келишиб қўйган, баҳолари яқши. Сиз нимани аглайсизки, энди бола билан гаплашиб қўяр экансиз. Аввал айвон билан ошхона ўртасидаги деворни тузатинг... Кун сайин уйдан гуллар йўқола бошлади. Кейинчалик жавондаги айрим ноёб буюмларга навбат келди. Нарсаларини қўпайтирилмаётган уй бекаси Адолат эрига янада кўпроқ ёпиша

Ҳар тўғрида БАҚАЛАР ЎТҚИР КЎЗЛИТУ...

Хайвонот оламида ҳам мерган жониворлар оз эмас. Масалан, бақалар ўткир кўзи ва ўта ҳаракатчан тили билан ўлжани аниқ нишонга олиш мумкин. Лекин бир нарсга ажабланарлики, улар фақат ҳаракатдаги жониворларни овлар экан. Сабаби бақалар бир жойда ҳаракатсиз турган нарсани, айтиллик курт-кумурскани умуман кўрмайди. Гап бошпада бақанинг кўзи ўткир деб айтдик. Тўғри, лекин айнан шу ҳодиса бақа кўз тузилишининг ўзига хослиги билан боғлиқ. Аникроғи улар ҳаракатдаги нарсаларни маълум масофадангина кўра олади. Қисқаси, бақа ўлжасини мана шундай овлар экан. Унинг яқиндан учиб ўтган пашша тўғрисидаги ахборот кўзлари орқали ўтди. Ана шу лаҳзада у ёпишқоқ тили билан яшин тезлигида тутиб олади.

«Меҳр нури» АСКнинг 1998 йиллик БАЛАНСИ

| N | Кўрсаткичлар | Сальдо | |
|---------------|--|----------------|----------------|
| | | Актив | Пассив |
| 1. | Асосий воситалар ва оборот маблағлар | 583,6 | |
| 2. | Номоддий активлар | 128,9 | |
| 3. | Узоқ муддатли инвестициялар | 153,7 | |
| 4. | Пул маблағлари | 1177,7 | |
| 5. | Қиска муддатли молиявий қўйилмалар | 10634,6 | |
| 6. | Бошқа оборот активлар | 162,1 | |
| 7. | Устав капитали | | 400,0 |
| 8. | Қўшилган капитал | | 3062,0 |
| 9. | Резерв капитали | | 100,0 |
| 10. | Тақсимланмаган фойда | | 725,1 |
| 11. | Қиска муддатли қарзлар | | 2000,0 |
| 12. | Бюджет бўйича қарзлар | | 1393,9 |
| 13. | Меҳнатга ҳақ тулаш ва ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича ҳисоб-китоблар | | 30,2 |
| 14. | Бюджетдан ташқари туловлар бўйича қарзлар | | 26,8 |
| 15. | Бошқа кредиторлар билан ҳисоб-китоблар | | 5102,6 |
| БАЛАНС | | 12840,6 | 12840,6 |

1998 йилда 8644,6 сўм даромад олинди, 7919,5 сўм харажат қилинди, 725,1 сўм фойда олинди.

«Меҳр нури» АСКнинг Бошқаруви

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғоёс ҚАЮМОВ
Тахрир хайъати:
Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латилов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиков.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилми: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Объект усулида босилди. Бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувида эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -21.00. Топширилди 23.00